

---

## ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ ҮТКАЗИЛДИ.

Туманда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари, бинолар ва кредитлар ажратиш, рухсат берувчи хужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Данғара туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Абдуллаев ҳамда тумандаги Бош вазир қабулхонаси мудири М.Холмирзаев билан ҳамкорликда Қора кўрпа маҳалла фуқаролар ийғинида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда 12 нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркор бўлиш истагидаги фуқаролар қатнашди. Келиб тушган масалаларнинг аксарияти тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш ва айланма маблағ учун имтиёзли кредит ажратиш ҳамда тадбиркорлик бошлаш учун ер ажратишни ташкил қилди.

Қабул давомида кўтарилган масалаларнинг 7 дан ортиғи жойида хал этилди, қолган мурожаатлар муддат талаб қилганлиги боис ваколатли органлар томонидан ўрганиб чиқишлик учун назоратга олинди.

Шунингдек, худудда тадбиркорликни ривожлантириш, унга тўсқинлик қилаётган омилларни ўрганиш ҳамда янги иш ўринлар яратиш, айниқса аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Чинобод-2 қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонасидаги лойиҳа ташаббускорлари билан суҳбатлашилиб, қурилиш ишларни жадаллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-04-15 17:29:17